**“Gidroproekt” акциядорлик жамиятининг акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши бўйича акциядорларга Хабарнома**

## АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Gidroproekt” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2021 йил 23 июнь куни соат 11:00 да Ташкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси 20 уй)да Жамиятнинг маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади. Тел: (71) 205-80-80

Йиғилишқатнашчиларини рўйхатгаолишсоат 10.00 да бошланади.

Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.gidroproekt.uz

## КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР:

1. “Гидропроект” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини ва саноқ комиссиясини шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. “Гидропроект” АЖ ижроия органининг жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши бўйича ҳисоботи.
3. “Гидропроект” АЖнинг 2020 йил бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
4. “Гидропроект” АЖда 2020 йил бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш якунлари тўғрисида.
5. “Гидропроект” АЖ кузатув кенгашининг 2020 йилда жамият фаолиятини бошқаруви бўйича ҳисоботи.
6. “Гидропроект” АЖнинг молиявий-хўжалик фаолиятининг 2020 йил якунлари бўйича ташқи аудиторлик текшируви хулосасини эшитиш.
7. “Гидропроект” АЖнинг молиявий-хўжалик фаолиятининг 2020 йил якунлари бўйича тафтиш комиссияси тешируви хулосасини эшитиш.
8. “Гидропроект” АЖнинг 2020 йил якунлари бўйича соф фойда тақсимоти, дивидендларни тўлаш шакли, миқдори ва тартиби.
9. “Гидропроект” АЖ ижроия органини кейинги акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишигача бир йил муддатга сайлаш (қайта сайлаш).
10. “Гидропроект” АЖ кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
11. “Гидропроект” АЖ тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
12. “Гидропроект” АЖнинг 2021 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
13. Аффилланган шахслар билан келгусида “Гидропроект” АЖ томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш.
14. “Гидропроект” АЖнинг 2021 йил якуни бўйича Миллий бухгалтирия ҳисоби стандартлари (МБҲС) ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (ХМҲС) асосида тайёрланган молиявий ҳисоботларини ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг

хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори белгилаш ҳамда у билан шартнома тузиш.

Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана – акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2021 йил 1 июнь ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2021 йил 17 июнь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат–паспорт, акциядорларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигада белгиланган тартибда расмийлаштирилган (жисмоний шахслар учун–нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун–мазкур юридик шахс томонидан берилган) ишончнома билан келишлари шарт.

Акциядорлар, акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар тўғрисидаги маълумотлар билан "Gidroproekt" акциядорлик жамияти маъмурий биносида танишишлари мумкин.

Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этилиши сўралади: Ташкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси 20 уйда. электрон почта: info@gidroproekt.uz, тел: 71-205-80-80

**“Gidroproekt” АЖ Кузатув кенгаши**